

Польша Республикаси Ҳукумати ва
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида
даромадларга иккиёқлама солиқ солинишининг
олдини олиш ҳамда даромад ва мулк солиқ-
ларини тўлашдан бош тортишни бартараф
қилиш тўғрисида

Б И Т И М

Польша Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси
Ҳукумати,

даромадларга иккиёқлама солиқ солинишининг олдини олиш
ҳамда даромад ва мулк солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф
қилиш тўғрисида Битим тузиш истагини билдириб,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашдилар:

1-модда

Қўлланиш доираси

Мазкур Битим Аҳдлашаётган Давлатларнинг бири ёки ҳар ик-
кисининг резиденти бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади.

2-модда

Битим татбиқ этиладиган солиқлар

1. Мазкур Битим Аҳдлашаётган Давлат ёки маҳаллий хокимиятлар
номидан олинаётган даромад ва мулк солиқларига нисбатан, уларни
ундириш услубидан қатъи назар, татбиқ этилади.

2. Даромад ва мулк солиқларига умумий даромаддан ёки даро-
маднинг бир қисмидан олинadиган барча солиқлар, шу жумладан кўчар
ва кўчмас мулкни сотишдан олинган даромадлардан ҳамда корхоналар
томонидан тўланадиган иш хақи ёки мукофотларнинг умумий суммаси-
дан олинadиган солиқлар киради.

3. Ушбу Битим тадбиқ қилинадиган солиқлар хусусан қуйидагилардир:

а) Польша Республикасига нисбатан:

- (i) юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- (ii) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
(бундан кейин "Польша солиқлари" деб аталади);

б) Ўзбекистон Республикасига нисбатан:

- (i) корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар даромади (фойдаси)дан олинадиган солиқ;
- (ii) Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- (iii) мол-мулк солиғи

(бундан кейин "Ўзбекистон солиқлари" деб аталади).

4. Ушбу Битим Аҳдлашаётган Давлатларнинг ҳар бири томонидан имзолангандан сўнг келажакда олинадиган амалдаги солиқларга кўшимча ёки улар ўрнига киритилган ҳар қандай муносиб, ёки аслида ўхшаш солиқларга нисбатан ҳам қўлланилади. Аҳдлашаётган Давлатларнинг ваколатли ташкилотлари ўз солиқ қонунчилигида бўлган барча туб ўзгаришлар ҳақида бир - бирларини хабардор қиладилар.

3-модда

Умумий таърифлар

1. Ушбу Битимнинг мақсадлари учун, агар матннинг мазмунидан ўзга маъно чиқмаса:

а) "Польша" атамаси жуғрофий маънода Польша Республикаси

ҳудудини, шу жумладан Польшанинг ички қонунларига мувофиқ ва халқаро ҳуқуқга биноан Польша денгиз тубига, денгиз тубининг ер остига ва унинг табиий ресурсларига нисбатан ўзининг мустақил ҳуқуқларини амалга ошириши мумкин бўлган унинг ҳудудий сувларидан ташқарида жойлашган ҳар бир ҳудудини англатади;

б) "Ўзбекистон" атамаси Ўзбекистон Республикасини билдиради ва жуғрофий маънода қўлланилганда халқаро қонунчилик ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ер ости бойликлари ва табиий ресурслардан фойдаланишга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ўз ҳуқуқларини амалга ошириши мумкин бўлган зона ҳисобланадиган ҳудудини, ички сув ҳавзаларини, улар тепасидаги ҳаво кенглигини англатади;

с) "шахс" атамаси жисмоний шахсни, компания ёки шахсларнинг ҳар қандай умумлашмасини англатади.

д) "компания" атамаси корпоратив тўзилма ҳисобланган ҳар қандай шахсни ёки солиққа тортиш мақсадларида шундай корпоратив тўзилма сифатида ўз мақомига эга бўлган Аҳдлашаётган Давлатлар қонунларига мувофиқ кўриб чиқиладиган ҳар қандай шерикчилик, қўшма корхона ёки бошқа тўзилмаларни англатади;

е) "Аҳдлашаётган Давлатнинг корхонаси" ва "ўзга Аҳдлашаётган Давлатнинг корхонаси" атамалари ўз урни билан Аҳдлашаётган Давлат резиденти бошқаруви остида иш юритаётган корхонани ва ўзга Аҳдлашаётган Давлатнинг резиденти бошқаруви остида иш юритаётган корхонани англатади;

ф) "халқаро юк ташиш" атамаси Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг корхонаси томонидан фойдаланилган денгиз, ҳаво кемалари, темир йўл ёки автомобил транспортида ҳар қандай ташишни англатади; денгиз, ҳаво кемалари, темир йўл ёки автомобил транспорти воситаларининг бошқа Аҳдлашаётган Давлат ҳудудида жойлашган пунктлар ўртасида фойдаланилиши бундан мустасно.

г) "ваколатли ташкилот" атамаси - Польша Республикасига нисбатан - Молия вазирини ёки унинг ваколатли вакилини англатади; Ўзбекистон Республикасига нисбатан - Ўзбекистон Республикаси Дав-

лат солиқ қўмитасини англатади;

h) "миллий шахс" атамаси Аҳдлашаётган Давлат фуқаролигига эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахсни, шунингдек Аҳдлашаётган Давлатнинг амалдаги қонунларига мувофиқ ўз мақомини олган ҳар қандай юридик шахс, ҳамжамият, ассоциация ёки тўзилмани англатади;

1) "Аҳдлашувчи Давлат ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат" атамаси матнга мувофиқ Польша ёки Ўзбекистон давлатларини билдиради.

2. Ушбу Битимни Аҳдлашаётган Давлат кўллаганда ҳар қандай унда белгиланмаган ибора, агар матн мазмуни ўзга маънони талаб қилмаса, кайси Аҳдлашаётган Давлатнинг солиғига нисбатан ушбу Битим қўлланилаётган бўлса, ўша Давлатнинг қонунларига кўра қабул қилинади.

4-модда

Резидент

1. Ушбу Битимнинг мақсадлари юзасидан "Аҳдлашаётган Давлатнинг резиденти" атамаси мазкур Давлатнинг қонунчилиги бўйича ўзининг турар жойи, доимий истиқомат қилиши, бошқарув тизимининг қаерда жойлашгани, ҳуқуқий шахс сифатида рўйхатдан ўтган жойи, ёки ўзга асли мазмунда шунга ўхшаш мезонларга кўра мазкур Давлатда солиқ тўловчи ҳисобланган шахсни англатади; мазкур ибора фақатгина ушбу Аҳдлашаётган Давлатдаги манбалардан даромад олаётган ёки ушбу Давлатдаги мулк қийматининг ўсишидан даромад олаётган шахсларни ўз ичига камрамайди. Ибора, шунингдек, Аҳдлашаётган Давлат Ҳукуматини ёки унинг маъмурий бўлинмалари, маҳаллий Ҳокимият органларини ўз ичига олади.

2. Агар 1- банд мазмунига мувофиқ шахс Аҳдлашаётган Давлатларнинг ҳар иккисининг резиденти бўлса, унинг мақоми қуйидаги тарзда белгиланади:

а) бу шахс қулай яшаши мумкин бўлган доимий уйи жойлашган Аҳдлашаётган Давлатнинг резиденти ҳисобланади; агар у ҳар икки Аҳдлашаётган Давлатда қулай яшаши мумкин бўлган доимий уйга эга бўлса, шахсий ва иқтисодий алоқалари энг чуқур бўлган (хаётий манфаатлар маркази) Аҳдлашаётган Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

б) агар унинг хаётий манфаатлар марказини аниқлаб бўлмаса ёки Аҳдлашаётган Давлатларнинг ҳеч бирида қулай яшаши мумкин бўлган доимий уйи бўлмаса, у одатда яшайдиган Давлатининг резиденти ҳисобланади:

с) агар у одатда ҳар икки Аҳдлашаётган Давлатда турса ёки уларнинг ҳеч бирида турмаса, у Аҳдлашаётган Давлатларнинг қай бирининг фуқароси бўлса, шу Аҳдлашаётган Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

д) агар шахс Аҳдлашаётган Давлатларнинг ҳар иккисининг резиденти деб қаралса ёки Давлатларнинг ҳеч бирининг резиденти бўлмаса, Аҳдлашаётган Давлатларнинг ваколатли ташкилотлари бу масалани ўзаро келишув йули билан ҳал қиладилар;

е) бу шахс икки Давлатдан бирининг миллий шахси ҳисобланмаса, унда Аҳдлашаётган Давлатларнинг ваколатли органлари маслаҳатлашиш орқали мазкур Битим мақсадларида ушбу шахс Аҳдлашаётган Давлатларнинг қайси бирининг резиденти бўлиб ҳисобланишини аниқлашга ҳаракат қилади.

3. Агар 1- банд мазмунига мувофиқ жисмоний шахс бўлмаган шахслар Аҳдлашаётган Давлатларнинг ҳар иккисининг резиденти бўлса, у раҳбар тизимининг амалда жойлашган Аҳдлашаётган Давлат резиденти ҳисобланади.

5-модда

Доимий муассаса

1. Мазкур Битим мақсадлари учун "доимий муассаса" ибораси Аҳдлашаётган Давлатнинг корхонаси иккинчи Аҳдлашаётган Давлатда у орқали тўлиқ ёки қисман тадбиркорлик фаолиятини олиб борадиган доимий фаолият жойини билдиради.

2. "Доимий муассаса" ибораси, хусусан, қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) бошқарув органи;

b) бўлим;

c) офис;

d) фабрика:

e) устахона:

f) руда кони, нефть ва газ кони, карьер ёки табиий ресурслар олинадиган ҳар қандай бошқа жой.

3. Қурилиш майдончаси ёки монтаж қилиш ёки йиғиш объекти улар билан боғлиқ ишлар давомийлиги 6 ойдан ошиб кетадиган тақдирда доимий муассаса" ибораси уларни ҳам ўз ичига олади. Ушбу ишлар амалга ошириладиган Аҳдлашаётган Давлатнинг ваколатли ташкилотлари фавқулодда ҳолатларда мазкур ишларни бажараётган шахснинг илтимоси асосида бундай ишларнинг давомийлиги 6 ойдан ортиқ (бироқ 12 ойдан ортиқ бўлмаган) ҳолларда бундай фаолиятни доимий муассасани ташкил қиладиган фаолият сифатида қарамасликлари мумкин.

4. Ушбу модданинг аввалги қоидаларига карамай, қуйидаги фаолият турларини "доимий муассаса" ибораси ўз ичига олмайди:

a) иншоотлардан шу корхонага тегишли товарлар ёки маҳсулотларни фақат сақлаш, намойиш қилиш ва етказиб бериш мақсадларида фойдаланиш;

b) шу корхонага тегишли товарлар ёки маҳсулотлар захирасини фақат сақлаш, намойиш қилиш ёки етказиб бериш мақсадларида ушлаб турилиши;

c) шу корхонага тегишли товарлар ёки маҳсулотлар захирасини фақат бошқа корхона томонидан қайта ишлов берилиши мақсадларида ушлаб турилиши;

d) доимий фаолият жойини фақат товарлар ёки маҳсулотлар сотиб олиш ёки мазкур корхона учун ахборот йиғиш мақсадлари учун ушлаб турилиши;

е) доимий фаолият жойини ушбу корхона учун фақат бошқа ҳар қандай тайёргарлик ёки ёрдамчи характердаги фаолиятни амалга ошириш мақсадлари йўлида ушлаб турилиши;

ғ) доимий фаолият жойини фақат (а) - (е) бандчаларида эслатиб ўтилган фаолият турларининг ҳар қандай мажмуасида амалга ошириш учун бу фаолият турлари доимий фаолият жойи ишининг асосий мазмуни бўлгани холда ушлаб турилиши.

5. 1 ва 2 бандлардаги қоидаларга қарамай, агар бирон 7 бандда кўрсатилган мустақил мақомли агентдан ўзга бўлган шахс Аҳдлашаётган Давлатларнинг бирида ўзга Аҳдлашаётган Давлатдаги корхонанинг номидан иш юритса ва корхона номидан Битимлар тузиш ҳуқуқига эга бўлса ва ҳуқуқлардан одатда фойдаланса, бу корхона ушбу Аҳдлашаётган Давлатда доимий ваколатхонага унинг учун шахс томонидан кўрсатилган хизмат доирасида эга деб ҳисобланади, лекин ушбу шахснинг фаолияти Битимнинг 4 бандида кўрсатилган фаолият билан чекланиб қолса ва бу фаолият доимий фаолият жойи орқали амалга оширилган тақдирда ҳам бу жойини ушбу банднинг қоидаларига асосан доимий ваколатхонага айлантормади.

6. Мазкур модданинг бундан олдинги қоидаларига қарамай Аҳдлашаётган Давлатнинг суғурта корхонаси, такрорий суғурта ҳоллардан ташқари, агар у ўзга давлат ҳудудида суғурта мукофотларини йиғса ёки 7-бандга тааллуқли мустақил мавқели агентдан ўзга шахс орқали у ерда бўлиши мумкин хатардан суғурта қилса ўзга Аҳдлашаётган Давлатда доимий муассасага эга деб ҳисобланади.

7. Корхона, агар у ўзга Аҳдлашаётган Давлатда брокер, комиссияер ёки ҳар қандай бошқа мустақил мақомли агент орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса, бу шахслар ўзининг одатдаги фаолияти чегарасида иш юритган тақдирда, ўзга Аҳдлашаётган Давлатда доимий муассасага эга деб қаралмайди.

8. Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг резиденти бўлган бирлашма (компания) ўзга Аҳдлашаётган Давлатнинг резиденти бўлган бирлашма томонидан назорат қилиш ёки назоратни ўзга Давлат компанияси устидан юритиш ёки мазкур компания ўзга Давлатда тижорат фаолиятини амалга ошириш (доимий муассаса орқали ёки бошқа тарз-

да) факти ўз-ўзидан бу компанияларнинг бирини бошқаси учун доимий муассасага айлантириб қўймайди.

6-модда

Кўзгалмас мулкдан олинадиган даромад (фойда)лар

1. Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг резиденти томонидан ўзга Аҳдлашаётган Давлатда жойлашган кўзгалмас мулкдан олинган даромади (қишлоқ ва ўрмон хужалигидан олинадиган даромад ҳам шу жумлага киради) шу ўзга Давлатда ҳам солиққа тортилиши мумкин.

2. "Кўзгалмас мулк" ибораси кўриб чиқиладиган мулк жойлашган Аҳдлашаётган Давлат қонунчилигида ифодаланган тушунча буйича қабул қилинади. Ҳар қандай ҳолда ҳам ушбу ибора ер устидаги мулк ҳақидаги қонунчиликка асосан ҳақ-ҳуқуқи белгиланган кўзгалмас мулкка тегишли бўлган мулкни, чорва моллари, қишлоқ хужалиги ва ўрмон хужалиги воситалари, ҳар қандай балиқ тутиш мосламаларини, кўзгалмас мулк натижаси бўлган атроф мулкни (узурфрукт), ишлатганлик учун бадал сифатида тўланадиган ўзгарувчан ва катъий белгиланган тўловларга бўлган ҳуқуқ ёки ишлашга минераллар жойлашган ерга ва бошқа табиий ресурсларга бўлган ҳуқуқни ўз ичига қамрайди; лекин кемалар, ҳаво кемалари, темир йул ва автомобил транспорти воситалари кўзгалмас мулк сифатида қаралмайди.

3. "Узурфрукт" атамаси мазкур моддада қўлланилганида ўзга мулкдан ва ундан олинадиган даромадлардан умрбод фойдаланиш ҳуқуқини англатади.

4. Юқоридаги 1- банд қоидалари кўзгалмас мулкдан тўғридан-тўғри фойдаланиш, ижарага бериш ёки ўзга ҳар қандай шаклда фойдаланиб олинган даромадга нисбатан қўлланилади.

5. Юқоридаги 1 ва 3 банд қоидалари шунингдек корхонанинг кўзгалмас мулкдан олган даромадига ва мустақил хусусий хизматларни амалга оширишда ишлатиладиган кўзгалмас мулкдан олган даромадларига ҳам қўлланилади.

7-модда

Тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган фойда

1. Аҳдлашаётган Давлат корхонаси томонидан иккинчи бир Аҳдлашаётган Давлатда олинган фойда ана шу иккинчи бир Аҳдлашаётган Давлатда солиққа тортилади, агар у фақат ўша ерда жойлашган доимий муассаса орқали ёки фақат қуйидагиларга тегишли бўлган соҳалардагина олинган бўлса:

а) агар бу фойда ушбу доимий муассасанинг фаолиятига тегишли бўлса;

б) доимий муассаса орқали сотилаётган товар ёки маҳсулотлар билан бир хил ёки бир-бирига ўхшаш товарлар ва маҳсулотларнинг ушбу ўзга Давлатдаги савдосига тегишли бўлса;

с) ушбу ўзга Давлатда амалга ошириладиган шу каби шундай доимий муассаса орқали амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти билан бир хил ёки бир-бирига ўхшаш бошқа тижорат фаолиятига тегишли бўлса.

2. 3- банд қоидаларини инобатга олган ҳолда бирон Аҳдлашаётган Давлатнинг корхонаси ўзга Аҳдлашаётган Давлатда тижорат фаолиятини у ерда жойлашган доимий ваколатхона орқали амалга ошираётган бўлса, ҳар бир Аҳдлашаётган Давлатда бундай доимий ваколатхонага у хизмат кўрсатаётган корхонадан алоҳида ва мустақил ҳаракат қилиб бундай шароитларда шундай ва шунга ўхшаш фаолият кўрсатганда топиши мумкин бўлган даромад мансуб деб билинади.

3. Доимий ваколатхона даромадини аниқлашда мазкур доимий ваколатхона фаолияти мақсадлари учун сарфланган харажатларни чиқариб ташлашга йўл қўйилади, доимий ваколатхона жойлашган Давлатда ёки ҳар қандай ўзга ерда фаолияти мақсадлари учун сарфланган бошқарув ва умумий маъмурий харажатлар ҳам шунга киради.

Доимий муассасанинг унинг бош муассасаси ёки резидентнинг бошқа муассасалардан исталган биттасига тўланган йиғимлар ёки патентдан ёхуд бошқа ҳуқуқлардан фойдаланганлик учун шунга ўхшаш

бошқа тўловлар тўлаш йўли билан ёки кўрсатилган аниқ хизматлар учун комиссия тўловлар тўлаш йўли билан, ёки менежментлик учун, ёки доимий муассасага берилган қарз суммасига фоизлар тўлаш йўли билан резидентнинг бошқа ҳар қандай муассасаларига тўланган суммаларни чегириб ташлашишига йўл қўйилмайди.

4. Аҳдлашаётган Давлатда корхона фойдасининг умумий суммасини унинг турли бўлинмаларига мутаносиб тарзда тақсимлаш негизда доимий муассасага тегишли фойдани белгилаш оддий ҳол эканлигига қарамай, 2-банддаги ҳеч нарса Аҳдлашаётган Давлатга солиққа тортиладиган фойдани шундай тақсимот воситасида аниқлашга ҳалақит бермайди; танланган тақсимот услуби ушбу моддага тегишли тамойилларга муносиб натижалар бериши лозим.

5. Доимий ваколатхона томонидан корхона учун фақат товарлар ёки маҳсулотлар харид қилиш асосида доимий ваколатхона ҳисобига бирон - бир фойда ёзилмайди.

6. Аввалги бандлар мақсадлари учун доимий муассасага мансуб даромад, агар бошқаси учун салмоқли ва етарли сабаблар бўлмаса, ҳар йили бир хил услубда аниқланади.

7. Агар даромад, мазкур Битимнинг бошқа моддаларида алоҳида айтиб ўтилган даромад турларини қамраб оладиган бўлса, мазкур моддалар қоидаларига ушбу модда қоидалари таъсир этмайди.

8-модда

Халқаро транспорт

1. Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг корхонасининг халқаро ташишларда кемалар, самолётлар, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларини фойдаланишдан олган даромадига фақат шу Давлатда солиқ солинади.

2. Мазкур модда мақсадлари учун халқаро ташишларда кемалар, самолетлар, темир йўл ва автомобиль транспорти воситаларини фойдаланишдан олинadиган даромадлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) кемаларни, самолётларни, темир йўл ва автомобиль транспорти воситаларини ижарага беришдан олинган даромад;

ва

б) юк ва товарларни ташиш учун ишлатиладиган контейнерларни (трейлерлар ва контейнерларни ташиш учун ишлатиладиган ёрдамчи ускуналар ҳам шу жумладан) фойдаланиш, сақлаш ва ижарага беришдан олинган даромадлар;

бундай фойдаланиш, сақлаш ёки ижарага бериш кемалар, самолётлар, темир йўл ва автомобиль транспорти воситаларидан халқаро ташишда фойдаланишнинг доимий тури бўлмаган тақдирда.

3. Шунингдек, 1 ва 2-банддаги қоидалар транспорт воситаларидан фойдаланиш бўйича халқаро ташкилотларда ёки қўшма корхоналарда, пульда (умумий жамғармада) иштирок этишдан олган фойдаларига ҳам қўлланилади.

4. 7-модда қоидаларига қарамай, автомобиль ёки темир йўл транспортини фаолият тури сифатида ишлатадиган Аҳдлашаётган Давлат корхоналарининг :

а) йўловчилар ёки мулкларни бошқа Аҳдлашаётган Давлат ҳудудидан ташқаридаги пункт билан бошқа ҳар қандай пункт ўртасида ташишдан ёки

в) йўловчилар ёки мулкларни бошқа Аҳдлашаётган Давлат ҳудудидан ташқаридаги пункт билан бошқа ҳар қандай пункт ўртасида ташишда фойдаланиладиган автомобиль транспорти воситалари (шу жумладан, трейлерлар)ни ёки темир йўл ҳаракатдаги составларини ёллашга беришдан оладиган фойдаси ушбу бошқа Давлатда солиққа тортишдан озод қилинади.

9-модда

Бирлашган корхоналар

1. Агар:

(а) Аҳдлашаётган Давлатнинг корхонаси ўзга Аҳдлашаётган Давлат корхонасини бошқаришда, назорат килишда ёки унинг капиталида бевосита ёки билвосита қатнашса,

ёки

б) ўша шахслар Аҳдлашаётган Давлатларнинг унисининг ҳам корхонасини, бунисининг ҳам корхонасини бошқаришда, назорат қилишда ёки унинг капиталида бевосита ёки билвосита қатнашса, икки корхона ўртасида уларнинг тижорат ва молиявий муносабатларида мутлақо мустақил бўлган корхоналар ўртасида бўладигандан фарқли шароитлар барпо этилса ёки белгиланса, уларнинг бирортасига ҳисобланиши мумкин бўлган, лекин юқоридаги шароитлар туфайли ҳисобланмаган ҳар қандай фойда Аҳдлашаётган Давлат томонидан ушбу корхона фойдасига кўшилиши ва тегишли равишда солиққа тортилиши мумкин.

2. Қачонки Аҳдлашаётган Давлат мазкур Давлатнинг корхонаси фойдасига ўзга Аҳдлашаётган Давлат корхонасининг ана шу ўзга Аҳдлашаётган Давлатда солиққа тортилган фойдасини кўшиб ва тегишли равишда солиққа тортса ва шу алфозда кўшилган фойда, биринчи айтилган корхонага ҳисобланиши мумкин бўлган фойда бўлса, агар икки корхона ўртасидаги муносабатлар мустақил корхоналар ўртасидаги муносабатлардек бўлса, бунда мазкур ўзга Давлат ушбу фойдадан олинadиган солиқ миқдорига тегишли муносибликни киритиши шарт. Бундай муносибликни белгилашда ушбу Битимнинг бошқа қоидалари кўриб чиқилиши лозим, Аҳдлашаётган Давлатларнинг ваколатли ташкилотлари эса зарур бўлган тақдирда бир - бирлари билан маслаҳатлашадилар.

10-модда

Дивидендлар

1. Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг резиденти бўлган компания томонидан ўзга Аҳдлашаётган Давлат резидентига тўланган дивидендлар ана шу ўзга Давлат томонидан солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ бундай дивидендлар уларни тўлаётган компания қайси Аҳдлашаётган Давлатнинг резиденти бўлса, мазкур Давлатнинг қонунларига биноан ҳам солиққа тортилиши мумкин, аммо дивидендларни олувчи даромадли дивидендлар эгаси бўлса ва мазкур ўзга Аҳдлашаётган Давлатдаги дивидендлар юзасидан солиққа тортилиши керак бўлса, солиқнинг миқдори:

а) агар бенефициар (дивидендларнинг манфаатдор эгаси) дивидендлар тўлаётган компаниянинг энг камида 20 фоиз овозларини бевосита ёки билвосита назоратда тутса, дивидендлар умумий ҳажмининг 5 фоизидан;

б) бошқа барча ҳолларда дивидендлар ялпи суммасининг 15 фоизидан ошмаслиги керак.

Аҳдлашаётган Давлатларнинг ваколатли органлари ўзаро келишувга биноан бундай чеклашларни қўллаш усулларини тузадилар.

Бу банд дивидендлар тўланадиган фойда масаласида компанияни солиққа тортишга тааллуқли эмас.

3. "Дивидендлар" ибораси мазкур моддада қўлланилганда, акциялардан ёки акцияларни фойдаланганликдан ёки тоғ-кон саноати акциялари, таъсисчилар акциялари ҳуқуқларини фойдаланганликдан олинadиган ёки қарз талаблари бўлмаган, фойдада иштирок этиш ҳуқуқини берувчи бошқа ҳуқуқлардан олинadиган даромадни, шунингдек фойдани таксимловчи компания резидент бўлган Давлатнинг қонунларига мувофиқ, акциялардан олинadиган даромад каби солиқларни тартибга солишга тааллуқли бўлган бошқа корпоратив ҳуқуқлардан олинadиган даромадни англатади.

4. Агар бенефициар Аҳдлашаётган Давлатнинг резиденти бўлгани ҳолда дивидендларни тўлаётган бирлашма резиденти бўлган ўзга Аҳдлашаётган Давлатда ўз фаолиятини унда жойлашган доимий муассасаси орқали амалга оширса ёки ушбу ўзга Давлатда у ерда жойлашган дои-

мий базадан мустақил хусусий хизматлар кўрсатса ва холдинг (дивидендлар унга нисбатан тўланади) аслида шу доимий муассаса ёки доимий база билан боғлиқ бўлса мазкур модданинг 1 ва 2 бандларидаги қоидалар қўлланилмайди. Бундай ҳолда шароитга қараб мазкур Битимнинг 7- моддаси ёки 14-моддаси қоидалари қўлланилади.

5. Агар Аҳдлашаётган Давлатнинг резиденти бўлган компания ўзга Аҳдлашаётган Давлатдан фойда ёки даромад олаётган бўлса, бу ўзга Аҳдлашаётган Давлат компания тўлаётган дивидендлардан солиқ олмаслиги мумкин, ана шу ўзга Давлат резидентига тўланадиган бундай дивидендлар ёки холдинг (шу ўзга Аҳдлашаётган Давлатда жойлашган доимий муассаса ёки доимий база билан ҳақиқатда боғлиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно) ва бирлашманинг тақсимланмаган фойдасидан олинадиган солиқлар олинмайди, хатто-ки тўланаётган дивидендлар ёки тақсимланмаган фойда ана шу ўзга Давлатда тўла ёки қисман ҳосил бўлган фойда ёки даромаддан ташкил топган бўлса ҳам.

6. Мазкур Битимдаги ҳеч нарса Аҳдлашаётган Давлатнинг ушбу Давлатдаги доимий муассасанинг компанияси фойдасига ушбу Давлат резиденти ҳисобланадиган компания фойдасидан ундириладиган солиққа қўшимча равишда махсус солиқ белгилашига тўсқинлик қиладиган ҳол сифатида талқин қилинмаслиги керак, лекин бунда шундай ҳар қандай солиқ олдинги йилларда ана шундай қўшимча солиққа тортилмаган бундай фойда ҳажмининг 5 фоизидан ортиқ бўлмайди. Ушбу мақсад учун фойда доимий муассаса жойлашган Аҳдлашаётган Давлатда ундириладиган мазкур бандда тилга олинган махсус солиқдан ўзгача бўлган барча солиқларни ҳисоблаб чиққандан сўнг аниқланади.

11-Модда

Фоизлар

1. Аҳдлашаётган Давлатларнинг бирида ҳосил бўлган ва ўзга Аҳдлашаётган Давлатнинг резидентига тўланадиган фоизлар ана шу ўзга Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Аммо бундай фоизлар ҳосил бўлган мазкур Аҳдлашаётган Давлатда шу Давлатнинг қонунларига биноан ҳам солиққа тортилиши мум-

кин, аммо дивидендларни олувчи бенефициар (дивидендларнинг манфаатдор эгаси) бўлса солиқнинг миқдори дивидендлар умумий ҳажмининг 10 фоизидан ошмаслиги керак. Аҳдлашаётган Давлатларнинг ваколатли ташкилотлари ўзаро келишиувга мувофиқ бундай чеклашларни қўллаш усулини таъсис қиладилар.

3. Мазкур модданинг 2-банд қоидаларига қарамай, Аҳдлашаётган Давлатда вижудга келадиган фоизлар шу Аҳдлашаётган Давлатда солиқдан озод қилинади, қачонки:

а) аслида фоизлар эгаси бошқа Аҳдлашаётган Давлат Ҳукумати ёки маҳаллий ҳокимият органлари, ёхуд шу Ҳукуматнинг ҳар қандай бошқа органи ёки маҳаллий ҳокимият органлари бўлса;

б) аслида фоизлар эгаси Польша Республикаси Миллий банки ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (Аҳдлашаётган Давлат "банклари банки"), давлат экспорт ва импорт кредитларини кафолатловчи ташкилот ёки шу каби Аҳдлашаётган Давлат қонунларига мувофиқ белгиланган тегишли ҳуқуқли бошқа ташкилотлар бўлса.

4. "Фоизлар" ибораси мазкур Битимда қўлланилганда қарздор фойдасида қатнашишга ҳуқуқ берадиган ёки бермайдиган, бадал билан таъминланган ёки таъминланмаган ҳар қандай турдаги қарз талабларидан олинadиган даромадни ва, хусусан, ҳукумат қимматбаҳо қоғозлари, облигациялар ва қарз мажбуриятларидан олинadиган даромадни билдиради. Ўз вақтида тўланмаган тўловлар учун жарималар ушбу модда мақсадларида фоизлар сифатида кўриб чиқилмайди.

5. Агар фоизлар бенефициари Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг резиденти бўла туриб, доимий муассаси орқали фоизлар ҳосил бўлаётган ўзга Аҳдлашаётган Давлатда тижорат фаолияти олиб бораётган бўлса, ёки мазкур ўзга Давлатда жойлашган доимий базасидан мустақил шахсий хизматлар кўрсатган ёки кўрсатаётган бўлса ва фоизлар тўланаётган қарз талабномалари шундай доимий ваколатхонага ёки доимий базага ҳақиқатан мансуб бўлса, 1 ва 2 банд қоидалари қўлланилмайди. Бу ҳолда шароитга қараб мазкур Битимнинг 7- моддаси ёки 14- моддаси қоидалари қўлланилади.

6. Фоизларни тўловчи Аҳдлашаётган Давлатнинг резиденти ёки шу Давлатнинг ўзи, маҳаллий ҳокимият бўлса, фоизлар мазкур Дав-

латда хосил бўлган деб ҳисобланади. Лекин Ғоизларни тўловчи шахс, Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиши ёки бўлмаслигидан катъи назар Аҳдлашаётган Давлатда доимий муассасага эга бўлиб шу туфайли Ғоизларни тўлаш мажбурияти вужудга келган бўлса, бундай ҳолда Ғоизлар доимий муассаса ёки доимий база жойлашган Аҳдлашаётган Давлатда вужудга келган деб ҳисобланади.

7. Агар тўловчи ва амалда Ғоизлар ҳуқуқига эга бўлган шахс (бенефициар) ўртасида ёки улар иккаласи ва қандайдир ўзга шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқибатида қарз талабномаси нисбатан тўланаётган Ғоизлар миқдори тўловчи ва амалда Ғоизлар ҳуқуқига эга шахс ўртасида келишилган миқдордан ошиқ бўлса, бундай муносабатлар йўқ бўлган тақдирда мазкур модда қоидалари фақат охириги эслатилган миқдорга нисбатан қўлланилади. Бундай ҳолда тўловнинг ортиқча қисмидан мазкур Битимнинг бошқа қоидалари инобатга олинган ҳолда, ҳар бир Аҳдлашаётган Давлат қонунчилигига мувофиқ яна солиқ олинад.

12-Модда

Роялти

1. Аҳдлашаётган Давлатлардан бирида хосил бўладиган ва ўзга Аҳдлашаётган Давлатнинг резидентига шахсан тўланадиган роялтилар ушбу ўзга Аҳдлашаётган Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ, бундай роялтилар улар хосил бўлган Аҳдлашаётган Давлатда ва шу Давлат қонунларига мувофиқ солиққа тортилиши мумкин, аммо бу даромадларни олувчи даромадларнинг бенефициар эгаси бўлса, шу тарзда олинадиган солиқ роялтилар ялпи миқдорининг 10 Ғоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Аҳдлашаётган Давлатларнинг ваколатли ташкилотлари ўзаро келишувга мувофиқ бундай чеклашларни қўллаш усулини таъсис қиладилар.

3. "Роялти" ибораси мазкур Битимда қўлланилганда ҳар қандай адабиёт, санъат ва фан асарларини, хусусан, кинофильмлар ҳамда радиоэшиттириш ва телевидение ёзувлари ва видеокассеталар, ҳар қандай патент, товар белгиси, чизма ёки модель, схема, компьютер дастури, маҳфий формула ёки жараён муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланиш ҳуқуқидан фойдаланганлик ёки шу ҳуқуқни берганлик учун, ёки

ишлаб чиқариш, тижорат ёки илмий асбоб-ускунлардан фойдаланиш ҳуқуқидан фойдаланганлик ёки шу ҳуқуқни берганлик учун ёки ишлаб чиқариш, тижорат ёки илмий тажрибага мансуб ахборот учун мукофот тарзида олинган ҳар қандай кўринишдаги тўловларни билдиради.

4. Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг резиденти бўлиб, роялтига нисбатан амалда ҳуқуққа эга бўлган шахсга нисбатан агар шахс роялти хосил бўлаётган ўзга Аҳдлашаётган Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали тижорат фаолиятини юритаётган бўлса, ёки мазкур ўзга Давлатда мустақил хизматларни амалга оширса, яъни у ерда жойлашган доимий база орқали ёки роялти тўланаётган мулк амалда шундай доимий муассаса ёки доимий базага боғлиқ бўлса 1 ва 2- бандларнинг қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолда мазкур Битимнинг 7- ёки 14-моддалари қоидалари қўлланилади.

5. Агар тўловчи Аҳдлашаётган Давлатнинг ўзи, унинг маҳаллий ҳокимият органи ёки шу Аҳдлашаётган Давлатнинг резиденти бўлса роялтидан олинган даромадлар шу Аҳдлашаётган Давлатда хосил бўлган деб ҳисобланади. Бироқ, агар, роялтини тўловчи шахс Аҳдлашаётган Давлатнинг резидентими, йўқми, Аҳдлашаётган Давлатда роялтини тўлаш мажбурияти зиммасига тушган доимий муассасага эга бўлса ва бу доимий муассаса тўлов ҳаражатларини тўласа, бундай роялти доимий муассаса жойлашган шу Аҳдлашаётган Давлатда хосил бўлган деб ҳисобланади.

6. Агар тўловчи ва амалда роялти ҳуқуқига эга шахс ўртасидаги, ёки уларнинг иккови ва бошқа шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқибатида роялтининг тўланган миқдори тўловчи ва амалдаги шу даромадлар ҳуқуқига эга шахс ўртасида келишилган миқдордан ошиқ бўлса, бундай муносабатлар йўқ бўлган тақдирда, мазкур модда қоидалари фақат охириги эслатилган миқдорга нисбатан қўлланилади. Бундай ҳолда тўловнинг ортиқча қисмига мазкур.

Битимнинг бошқа қоидалари инобатга олинган ҳолда, ҳар бир Аҳдлашаётган Давлат қонунчилигига мувофиқ яна солиқ солинади.

7. Агар роялти тўланадиган ҳуқуқларни яратиш ёки ўзгага ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай шахснинг асосий мақсади ёки асосий мақсадларидан бири мазкур Моддадан ҳуқуқларни яратиш ёки ўзгага ўтказиш орқали наф орттириш бўлса, мазкур Модданинг қоида-

лари қўлланилмайди.

13-Модда

Мулк қийматининг ўсишидан олинадиган даромадлар

1. Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг резиденти бошқа Аҳдлашаётган Давлатда бўлган 6-моддада эслатиб ўтилган кўчмас мулкни сотишдан олинадиган мулк қийматининг ортишидан оладиган даромадларига ўша бошқа Аҳдлашаётган Давлатда солиқ солиниши мумкин.

2. Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг корхонаси бошқа Аҳдлашаётган Давлатда эга бўлган доимий муассаса тадбиркорлик мулкнинг қисмини ташкил этувчи кўчма мулкни бегоналаштиришдан олинган ёки Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг резиденти бошқа Аҳдлашаётган Давлатда мустақил шахсий хизматларни амалга оширишида бемалол фойдаланиши мумкин бўлган доимий базага тааллуқли кўчма мулкни бегоналаштиришдан олинган даромадларга, бунга шу доимий муассаса (алоҳида ёки корхона билан бирга) ёки шундай доимий базани бегоналаштиришдан олинган даромадни ҳам қўшиб мана шу бошқа Давлатда солиқ солиниши мумкин.

3. Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг резиденти Аҳдлашаётган Давлат корхонаси халқаро юк ташишларда фойдаланадиган кема ёки самолёт ёки темир йўл, автомобиль транспорти воситаларини сотишдан олган даромадлари ёки мана шу транспорт воситаларини ишлатишда фойдаланиладиган кўчма мулкни сотишдан оладиган даромадларига фақат ана шу Аҳдлашаётган Давлатдагина солиқ солиниши мумкин.

4. Мазкур модданинг 1,2 ва 3-бандларида айтиб ўтилмаган ис-талган бошқа мулкни сотишдан олинадиган даромадларга солиқ соли-нади, мулкни сотувчи шахс Аҳдлашаётган Давлатнинг резиденти бў-либ, мулк қийматининг ортишидан олинадиган даромадларга мазкур Аҳдлашаётган Давлатда солиқ солиниши керак.

14-Модда

Мустақил шахсий хизматлар

1. Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг резиденти касб хизматларини кўрсатиш ёки бошқа мустақил фаолиятлардан олган даромадига фақат мана шу Давлатдагина солиқ солиниши мумкин, фақат иккинчи Аҳдлашаётган Давлатда солиққа тортилиши мумкин бўлган қўйидаги ҳолатлардан ташқари:

а) агар у бошқа Аҳдлашаётган Давлатда шу хизматларни амалга ошириш учун барқарор, қўлай базага эга бўлса; бундай пайтда шу бошқа Аҳдлашаётган Давлатда, фақат шундай доимий базага киритилган қисмигагина солиқ солинади;

б) жисмоний шахс бошқа Аҳдлашаётган Давлатда жами 12 ойлик давр мобайнидаги маълум бир давр ёки тақвимий йилда умумий миқдорда 120 кундан ортиқ яшаётган бўлса, у ҳолда бундай даромад ҳам шунингдек бошқа Аҳдлашаётган Давлатда солиққа тортилиши мумкин. Фақат бунда ана шу Давлатда кўрсатилган хизматларга тааллуқли бўлган даромадларгина солиққа тортилади.

2. "Мустақил шахсий хизматлар" ибораси жумладан илмий, адабий, артистлик, маърифий ёки ўқитувчилик фаолиятларини, шунингдек врачлар, мухандислар, меъморлар, стоматологлар ва бухгалтерлар фаолиятини қамраб олади.

15- Модда

Ёллаш билан боғлиқ шахсий хизматлар

1. Мазкур Битимнинг 16, 18 ва 19- моддалари қоидаларини ҳисобга олиб Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг резидентининг ёллаш бўйича оладиган маоши, иш хақи ва ёллаш муносабати билан олинган тақдирлаш миқдорига мана шу бошқа Аҳдлашаётган Давлатда солиқ солиниши мумкин. Агар ёлланма иш шу тариқа бажариладиган бўлса, унда шу муносабат билан олинган рағбатлантириш пулига ана шу ўзга Давлатда солиқ солиниши мумкин.

2. 1-банднинг қоидаларига қарамай, Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг резиденти Аҳдлашаётган Давлатлардан бошқасида амалга оширадиган ёллаш бўйича иш муносабатида оладиган тақдирлаш пулларига фақат эслатилган биринчи Давлатда солиқ солинади, бунда:

а) тақдирлаш пули олувчи бошқа Аҳдлашаётган Давлатда ис-талган 12 ойлик давр доирасида умумий мажмуига кўра 183 кунлик давр ёки даврлар мобайнида бўлса; ва

б) тақдирлаш пули ёлловчи томонидан ёки бошқа Аҳдлашаётган Давлат шахси, резиденти бўлмаган ёлловчи номидан тўланса; ва

с) тақдирлаш пули бўйича харажатларни ёлловчи бошқа Аҳдлашаётган Давлатда эга бўлган доимий муассаса ёки доимий база қил-маса.

3. Мазкур модданинг 1- ва 2- бандларининг қоидаларига қара-май Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг резиденти халқаро юк та-шишларда фойдаланадиган денгиз, ҳаво, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларида ёлланма иш бўйича оладиган иш ҳақи ва бошқа шу каби тақдирлашларга мазкур корхона резиденти бўлган Дав-латда солиқ солиниши мумкин.

16- Модда

Директорларнинг гонорарлари

Бир Аҳдлашаётган Давлат резиденти бўлган директорларнинг бошқа Аҳдлашаётган Давлат резиденти бўлган ширкат директорлари кенгашининг аъзоси сифатида оладиган гонорарлари мазкур ўзга Дав-латда солиққа тортилиши мумкин.

17- Модда

Санъат ходимлари ва спортчилар

1. Мазкур Битимнинг 14 ва 15-моддалари қоидаларига қарамай,

Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг резиденти бўлиши театр, кино, радио ёки телевидение артисти ёки мусиқачи каби санъат ходими сифатида ёки спортчи сифатида иккинчи Аҳдлашаётган Давлатдаги шахсий фаолияти туфайли оладиган даромадига шу иккинчи Аҳдлашаётган Давлатда солиқ солиниши мумкин.

2. Санъат ходими ёки спортчи амалга оширган шахсий фаолиятига даромад санъат ходими ёки спортчининг ўзига эмас, бошқа шахсга ёзилса, мазкур Битимнинг 7, 14 ва 15- моддалари қоидаларига қарамай, ушбу даромадга санъат ходими ёки спортчи фаолият кўрсатган ўша Аҳдлашаётган Давлатда солиқ солиниши мумкин.

3. Агар санъат ходимлари ёки спортчиларнинг Аҳдлашаётган Давлатда бўлиши асосан бошқа Аҳдлашаётган Давлат, унинг субъектлари ёки маҳаллий ҳокимиятлари томонидан маблағ билан таъминланаётган бўлса, унда уларнинг Аҳдлашаётган Давлатдаги фаолиятидан оладиган даромадларига 1 ва 2 - бандларнинг қоидалари тегишли бўлмайди.

Бундай ҳолда уларнинг даромадларига мазкур санъат ходими ёки спортчи резиденти саналган Аҳдлашаётган Давлатдагина солиқ солинади.

18- Модда

Пенсиялар ва умрбод рента

1. Аҳдлашаётган Давлатда вужудга келадиган ва уларнинг бенефициари бўлган ўзга Аҳдлашаётган Давлат резидентига тўланадиган пенсиялар ва умрбод рентага ушбу Аҳдлашаётган Давлатдагина солиқ солинади.

2. "Умрбод рента" атамаси мазкур Битим мақсадларида жисмоний шахсга унинг ҳаёти мобайнида вақт- вақти билан муайян бир вақтда ёки муайян бир давр мобайнида адекват ва тўлиқ компенсация ўрнига (кўрсатиладиган хизматлардан бошқача бўлган) тўлов тўлаш мажбурияти бўйича тўланадиган белгиланган суммани англатади.

3. Аҳдлашаётган Давлатда вужудга келадиган ва бошқа Аҳдлашаётган Давлат резидентига тўланадиган алиментлар ва бошқа шу ка-

би тўловларга (болаларни таъминлаш учун тўловларни ҳам қўшганда) фақат ана шу Аҳдлашаётган Давлатда солиқ солиниши мумкин.

19-модда

Ҳукуматга боғлиқ бўлган хизмат

1. а) Аҳдлашаётган Давлатлардан бири ёки унинг маҳаллий ҳокимиятлари томонидан жисмоний шахсга мана шу Аҳдлашаётган Давлатга ёки маҳаллий ҳокимиятларга тўланадиган тақдирлаш пулига, пенсия бундан мустасно, фақат мана шу Давлатдагина солиқ солиниши мумкин.

б) Мазкур модданинг 2-банди а-кичик банди қоидаларига қарамай бундай пенсия агарда боғлиқ бўлган хизматлар мана шу бошқа Аҳдлашаётган Давлатда амалга оширилса ва жисмоний шахс шу бошқа Аҳдлашаётган Давлатнинг резиденти; яъни:

(i) шу Давлат миллий шахси бўлса, ёки

(ii) фақатгина хизмат кўрсатиш мақсадларида шу Давлатнинг резиденти бўлмаган бўлса фақат ана шу бошқа Аҳдлашаётган Давлатдагина солиқ солинади.

2. а) Аҳдлашаётган Давлатлар ёки маъмурий бўлинмалар ёки ҳокимиятнинг маҳаллий органлари томонидан ёки улар тузган фондидан шу давлатга ёки унинг маъмурий бўлинмаларига ёки маҳаллий ҳокимиятларига кўрсатган хизматларига нисбатан исталган шахсга тўланадиган ҳар қандай пенсияга фақат мана шу Аҳдлашаётган Давлатдагина солиқ солинади.

б) Бироқ агар жисмоний шахс шу Аҳдлашаётган Давлат резиденти ва миллий шахси бўлса, бундай пенсияга фақат бошқа Аҳдлашаётган Давлатдагина солиқ солинади.

3. Мазкур шартноманинг 15, 16 ва 17- моддалари қоидалари Аҳдлашаётган Давлат ёки унинг маҳаллий ҳокимиятлари амалга оширадиган тадбиркорлик фаолиятлари муносабати билан кўрсатиладиган хизматларга нисбатан тўланадиган тақдирлаш пуллари ва пенсияларига нисбатан қўлланади.

20-Модда

Талабалар

Аҳдлашаётган Давлатга келгунга қадар бошқа Аҳдлашаётган Давлатнинг ҳозирда резиденти ҳисобланиб турган ёки бўлган ва биринчи эслатилган Давлатда фақат ўқиш ёки маълумот олиш мақсадларидагина яшаб турган талаба ёки практикантнинг яшаш, ўқиш ва маълумот олиш учун мўлжалланган оладиган тўловлари мана шу биринчи эслатилган Давлатда, агарда бундай тўловлар шу Давлат ҳудудидаги манбалардан олиб тўланадиган бўлса, солиқ солинмайди.

21-Модда

Бошқа даромадлар

1. Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг резиденти амалда олишга ҳақли бўлган даромад турлари мазкур Битимнинг олдинги моддаларида тилга олинмаган, даромадларга қаерда пайдо булишидан қатъи назар фақат мана шу Давлатдагина солиқ солинади.

2. Мазкур модданинг 1 - банд қоидаси кўчмас мулкдан олинган даромад ҳисобланмайдиган даромадга нисбатан, агарда бундай даромадни олувчи Аҳдлашаётган Давлат резиденти бўла туриб, Аҳдлашаётган бошқа Давлатда жойлашган доимий муассаса орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса ёки у ерда доимий базани жойлаштириб, мустақил шахсий хизматларни амалга оширса ва даромад тўланадиган ҳуқуқ ёки мулк ҳақиқатан ҳам бундай доимий муассаса ёки база билан боғланган бўлса, қўлланмайди. Бу ҳолатда мазкур Битимнинг 7 ва 8 - моддалари қоидалари қўлланилади.

22 - Модда

Мулк

1. Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг резидентига тегишли бўлган ва бошқа Аҳдлашаётган Давлатда жойлашган қўзғалмас мулкка ушбу бошқа Давлатда солиқ солинади.

2. Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг корхонасининг бошқа Аҳдлашаётган Давлатадаги доимий муассасининг тадбиркорликка оид мол-мулкининг бир қисми бўлган кўчма мулкка ёки Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг резидентига мансуб бошқа Аҳдлашаётган Давлатда мустақил якка тартибдаги хизматларини кўрсатиш учун лозим бўлган мулкларга ушбу бошқа Давлатда солиқ солиниши мумкин.

3. Аҳдлашаётган давлат резидентининг мулки бўлган ва халқаро ташишларда фойдаланиладиган денгиз, ҳаво кемалари, темир йўл ва автомобиль транспорти сифатидаги мулкка ва бундай денгиз, ҳаво кемалари, темир йўл ёки автомобиль транспорти ва контейнерлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган кўчма мулкка (қайсики 8-модданинг 2-бандида кўрсатилган қоидалар тегишли бўлган) фақат ушбу Аҳдлашаётган Давлатда солиқ солинади.

4. Аҳдлашаётган Давлат резиденти мулкининг бошқа барча элементларига фақат ушбу Давлатда солиқ солинади.

23-Модда

Иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш

1. Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг резиденти мазкур Битим қоидаларига мувофиқ бошқа Аҳдлашаётган Давлатда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад олса ва мол-мулкка эга бўлса, унда олдин тилга олинган Давлат:

а) ушбу резидентнинг даромадидан олинadиган солиқдан бошқа Давлатда тўланган даромад солиғига тенг суммани чегириб қолиши;

б) ушбу резидентнинг мол-мулк солиғидан бошқа Давлатда тўланган мол-мулк солиғига тенг суммани чегириб қолиши мумкин.

Бундай ҳисоблар ҳар қандай ҳолда ҳам вазиятга қараб бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад ёки мулкка тааллуқли ҳисоблар тақдим қилинганга қадар ҳисоблаб чиқиладиган даромад ёки мол-мулкдан олинган солиқ қисмидан ортиқ бўлмаслиги керак.

2. Мазкур Битимнинг бирон-бир қоидасига мувофиқ Аҳдлашаётган Давлат резиденти оладиган даромад ёки мулк шу Давлатда солиқдан озод этилса, бу Давлат шунга қарамай бу резидентнинг даромади ва мол-мулкнинг қолган қисмини солиққа тортиш суммасини ҳисоблаб чиқишда озод этилган даромад ёки мулкни эътиборга олиши керак.

3. Мазкур модданинг 1 ва 2 - бандлари мақсадларида Аҳдлашаётган Давлат резидентига тааллуқли бошқа Аҳдлашаётган Давлатда солиқ солиниши мумкин бўлмаган фойда, даромад ва мулк қийматининг ўсишидан олинган даромадлар мазкур Битимга кўра шу Аҳдлашаётган бошқа Давлатдаги манбалардан пайдо бўлган ҳисобланади.

24-Модда

Камситмаслик

1. Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг миллий шахслари бошқа Аҳдлашаётган Давлатда бошқа Давлат фуқароларига айнаи бир хил шароитларда ёки солиниши мумкин бўлгандан ортиқ ҳар қандай солиқ ёки унга алоқадор мажбуриятларга, солиқ солишдан кўра мушкулроқ ёки унга алоқадор ҳолатларга дучор қилинмайдилар. Бу қоида, шунингдек, 1-модданинг қоидаларидан қатъи назар, (Битим қўлланиладиган шахслар) битта ёки ҳар иккала Аҳдлашаётган давлатнинг резидентлари бўлмаган жисмоний шахсларга ҳам тегишлидир.

2. Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг корхонаси Аҳдлашаётган бошқа Давлатдаги доимий муассасасининг солиқ солиши ушбу Аҳдлашаётган бошқа айнан шундай фаолиятини амалга оширувчи корхоналарига солиқ солишдан кўра ёмонроқ бўлмайди. Мазкур қоида ҳар бир Аҳдлашаётган Давлатни бошқа Аҳдлашаётган Давлат резидентига солиқ солиш мақсадларида ўз резидентларига уларнинг фуқаролик мавқеи ёки

оилавий шароити асосида берадиган ҳар қандай якка таркибдаги имтиёзлар, озод қилишлар ёки чегирмалар беришга мажбурловчи тарзида талқин қилинмаслиги лозим.

3. Мазкур Битимнинг 9-модда 1-банди, 11-модда 6-банди ёки 12-модда 6-банди қоидалари қўлланиладиган ҳолатларни истисно қилиб ва 11-модда 7-бандининг қоидасини ҳисобга олиб, Аҳдлашаётган Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашаётган Давлат резидентига бундай корхонанинг солиқ солинадиган фойдасини аниқлаш мақсадларида тўлайдиган фойзалар, роялти ва бошқа товлар гўёки биринчи эслатилган Давлат резидентига тўланган тарзда чегириб ташланади. Худди шунингдек, битта Аҳдлашаётган Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашаётган Давлат резидентига ҳар қандай арзлари ушбу корхонанинг солиққа тортиладиган мулкни аниқлаш мақсадида биринчи эсга олинган Давлат резидентининг қарзларини ҳисобга олгандек шароитда ҳисоб-китоб қилиб чиқилиши керак.

4. Аҳдлашаётган Давлатларнинг корхоналари, қайсики уларнинг мол-мулклари тўлиқ ёки қисман Аҳдлашаётган бошқа Давлатга тегишли бўлса ёки бир ёки бир неча резидентлари томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинса биринчи эслатилган Давлатда Аҳдлашаётган биринчи эслатилган Давлатнинг шундай корхоналарига солинадиган ҳар қандай солиқ ёки унга алоқадор ҳолатлар, бошқа ёки солиқ солишдан қўра мушкулроқ ҳолатларга дучор қилинмайди.

5. 3-банд қоидалари Аҳдлашаётган Давлатларнинг солиқлардан бўйин товлаш мақсадидаги операциялар ёки келишувларга тўсқинлик қилиш мақсадида яратилган солиққа тортиш тўғрисидаги қонунлари қоидаларига таъсир қилмайди.

25- Модда

Ўзаро келишув тартиблари

1. Агарда Аҳдлашаётган Давлат резиденти Давлатлардан бири ёки ҳар иккаласининг фаолияти унга мазкур Битимда назарда тутилганга мувофиқ келмайдиган солиқ солинишига олиб келади ёки олиб келиши мумкин деб ҳисобласа ёки агарда унинг ҳолати мазкур Битимнинг 24-модда 1-бандига мувофиқ келса у мазкур Давлатларнинг ички қонунчилигида назарда тутилган химоя воситаларидан қатъи назар,

Ўз аризасини ўзи резидент бўлган Аҳдлашаётган Давлатнинг ваколатли органига такдим этиши мумкин. Ариза мазкур Битим қарорларига номувофиқ солиқ солинишига олиб келувчи ҳаракатлар тўғрисида биринчи бор билдирилган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида берилиши керак.

2. Бир Аҳдлашаётган Давлатнинг ваколатли органи унинг аризасини асосли деб топса ва унинг ўзи қониқтирадиган қарорга кела олмаса, масалани Битимга мувофиқ келмайдиган солиқ солинишидан қочиш мақсадларида Аҳдлашаётган бошқа Давлатнинг ваколатли органи билан ўзаро келишиб ҳал қилишга ҳаракат қилади. Эришилган ҳар қандай келишув Аҳдлашаётган Давлат ички қонунчилигида назарда тутилган ҳар қандай вақтинча чеклашлардан қатъи назар, бажарилиши керак.

3. Аҳдлашаётган Давлатнинг ваколатли органлари Битимни талқин қилиш ёки қўллашда юзага келадиган ҳар қандай қийинчилик ва иккиланишларни ўзаро келишув асосида ҳал қилишга ҳаракат қиладилар. Улар мазкур Битимда назарда тутилмаган ҳолатларда ҳам икки томонлама солиқ солинишига йўл қўймаслик мақсадларида бир-бирлари билан маслаҳатлашишлари мумкин.

4. Аҳдлашаётган Давлатларни ваколатли органлари олдинги бандлар маъноларини тушинишда ҳамфикирликка эришиш мақсадларида бир-бирлари билан бевоста алоқада бўлиб турадилар. Агар келишувга эришиш учун оғзаки фикр алмашишни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлса, унда бундай фикр алмашув Аҳдлашаётган Давлатларнинг ваколатли органлари вакилларида иборат комиссиянинг мажлиси доирасида ўтказилиши мумкин.

26-Модда

Ахборот алмашиш

1. Аҳдлашаётган Давлатларнинг ваколатли органлари мазкур Битим қоидаларини қўлланиш учун ёки мазкур Битим тадбиқ этиладиган Аҳдлашаётган Давлатларнинг солиқларга тегишли ички қонунчилиги ушбу қонунчиликдан мазкур Битимга зид тушмайдиган даражада фойдаланиш учун зарур ахборотлар билан алмашиб турадилар. Аҳдлашаётган

Давлат олаётган ҳар қандай ахборот, мазкур Давлатнинг ички қонунлари ҳақида олинган маълумот каби махфий ҳисобланади, ҳамда фақат аниқлаш, олиб қўйиш, мажбурий чора кўриш билан боғлиқ ёки Битим тадбиқ этиладиган солиқларга нисбатан қарорларни ижро этувчи шахслар ва органларгагина, хусусан, судлар ва маъмурий органларгагина очилади. Бу шахслар ёки органлар ахборотдан фақат шундай мақсадларда фойдаланадилар. Улар ушбу ахборотни очиқ суд мажлисида ёки юридик қарорлар қабул қилиш чоғида очишлари мумкин.

2. Ҳеч қандай ҳолатда ҳам мазкур модда 1-банднинг қондаси Аҳдлашаётган Давлатлар ваколатли органи зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юкловчи қоида сифатида талқин қилинмайди:

- а) у ёки бу Аҳдлашаётган Давлатлар қонунчилиги ёки маъмурий амалиётига зид, маъмурий чоралар ўтказиш:
- б) у ёки бу Аҳдлашаётган Давлатлар қонунчилигига кўра ёки одатдаги маъмурий амалиётга мувофиқ олиниши мумкин бўлмаган ахборотни тақдим этиш:
- с) савдо, ишлаб чиқариш, тижорат ёки хизмат сири ёки савдо жараёнини фош этувчи ахборотни ёки очилиши давлат сиёсатига зид келувчи ахборотни тақдим этиш.

27- Модда

Дипломатик ваколатхоналар ходимлари ва консуллик муассасалари хизматчилари

Мазкур Битимнинг ҳеч бир қондаси дипломатик ваколатхоналари ходимлари ва консуллик муассасалари хизматчиларига халқаро ҳуқуқнинг умумий нормалари ёки ҳар икки Аҳдлашаётган Давлатлар ўртасидаги махсус Битим қоидаларига мувофиқ белгилаб қўйилган солиқ имтиёзларига даҳл қилмайди.

28- Модда

Кучга кириши

Аҳдлашаётган Давлатлар мазкур Битимни кучга кириши учун талаб қилинадиган зарур ички давлат тартибларининг тугаганлиги тўғрисида бир-бирларига дипломатик йўл орқали маълум қиладилар. Мазкур Битим айтиб ўтилган огоҳлантириш берилган санадан бошлаб кучга киради ва

- а) мазкур Битим кучга кирган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан бошлаб даромад олинадиган манбалардан ундириладиган солиқларга нисбатан;
- б) Битим кучга кирган йилдан кейинги тақвимий йилнинг биринчи январи ва бундан кейинги санадан бошлаб ҳар бир солиқ солинадиган йил учун ундириладиган бошқа даромадлар ва мол-мулк солиқларига нисбатан қўлланади.

29- Модда

Битимнинг амал қилишини тўхтатиш

Мазкур Битим Аҳдлашаётган Давлатлардан бири унинг таъсирини тўхтатмагунча ўз кучида қолади. Ҳар бир Аҳдлашаётган Давлат Битимнинг таъсирини Битим кучга кирган санадан 5 йиллик муддат тугаган кундан бошлаб исталган тақвимий йилнинг тугашидан камида 6 ой олдин дипломатик йўл орқали хабар бериб тўхтатиши мумкин. Мазкур ҳолатда Битимнинг амал қилиши:

- а) Битимни бекор қилиш тўғрисидаги билдириш берилган йилдан кейинги тақвимий йилнинг 1 январидан бошлаб даромадлар олинадиган манбалардан ундириладиган солиқларга нисбатан;
- б) Битимни бекор қилиш тўғрисидаги билдириш берилган йилдан кейинги тақвимий йилнинг биринчи январи ва бундан кейинги санадан бошлаб ҳар бир солиқ солинадиган йил учун ундириладиган бошқа даромадлар ва мол-мулк солиқ-

ларига нисбатан тўхтатилади.

Тегишли тартибда ваколат берилган қуйидаги имзо чекувчилар шунга гувоҳлик бериб мазкур Битимни имзоладилар.

Битим 1995 йил "11" январда Варшава шаҳрида икки нусхада бўлиб, уларнинг ҳар бири поляк, ўзбек, ва рус тилларида тuzилди. Барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Битимнинг қоидалари талқинида англашилмовчиликлар юзага келган ҳолларда рус тилидаги матн асос учун қабул қилинади.

Польша Республикаси

Ҳукумати номидан



Ўзбекистон Республикаси

Ҳукумати номидан

